

VOLUME II | ISSUE 1 | JANUARY

# Journal of Culture and Art

КУЛТУРА И ИСКУССТВО  
МАДАНИЈАТ ВА САНЃАТ

| 2024

ISSN: 2181-4562



Available online at [www.imfaktor.com](http://www.imfaktor.com)

ISSN: 2181-4562  
DOI Journal 10.56017/2181-4562

# МАДАНИЯТ ВА САЊАТ ЖУРНАЛИ

II-ЖИЛД, I-СОҢ

ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО

ТОМ-II, НОМЕР-1

JOURNAL OF CULTURE AND ART

VOLUME-II, ISSUE-1

ТОШКЕНТ – 2024

# МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО | JOURNAL OF CULTURE AND ART

№ 1 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4562-2024-1>

## БОШ МУҲАРРИР:

Халикулова Гўзал  
Эркиновна

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти  
профессори в.б., Санъатшунослик фанлари номзоди

## МАСЪУЛ МУҲАРРИР:

Мелиқўзиев Иқбол  
Мамасодиқович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти  
кафедра мудири, профессор в.б., Санъатшунослик  
фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

## ТАҲРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ:

Касимов Нозим  
Козимович  
Ходжаметова Гулчира  
Илишевна

Маданият ва туризм вазирлиги “Таълим ва илм-фанни  
ривожлантириш бошқармаси” бошлиғи, профессор  
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус  
филиали “Санъатшунослик” факультети декани, Тарих  
фанлари номзоди, профессор

Абдувоҳидов  
Фахриддин  
Мелигалиевич

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти  
кафедра мудири, доцент, Санъатшунослик фанлари  
бўйича фалсафа доктори (PhD)

Кадиров Рамз  
Турабович  
Умаров Мамур  
Боташикович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти “Саҳна  
нутқи” кафедраси доценти

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти  
“Санъатшунослик ва маданиятшунослик” кафедраси  
профессори в.б., фалсафа фанлари номзоди

Худоев Ғани  
Муҳаммадович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти  
кафедра мудири, Санъатшунослик фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD)

Бердиханова Шахида  
Нурлыбаевна

Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати  
институти “Ўзбек мақоми тарихи ва назарияси”  
кафедраси мудири, санъатшунослик фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD)

Дўсанов Раҳимжон  
Раимқулович  
Суннатиллаев Асатилло  
Суннатович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, “катта  
ўқитувчи”, мустақил тадқиқотчи

Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати  
институти “Илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-  
педагогик кадрлар тайёрлаш” бўлими бошлиғи, мустақил  
изланувчи (PhD)

Алланбаев Рудакий  
Оринбаевич  
Зиявутдинова Зулфия  
Усеиновна  
Раимова Дилфузахон  
Махаммадсолиевна  
Ботирова Хилола  
Турсунбаевна

Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист, “Шуҳрат”  
медали соҳиби, профессор в.в.б

“Мусиқа санъати” ихтисослиги бўйича доцент

“Мусиқа санъати” ихтисослиги бўйича доцент

“Мусиқа санъати” ихтисослиги бўйича доцент

*“Маданият ва санъат”* журнали 2023 йил 24 февраль куни № 065356-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган. Мазкур журнал **6 та** халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун **UIF 2023 = 7.7 “импакт-фактор”** кўрсаткичига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар **хорижий мақолалар сифатида тан олинади.**

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдураҳмон Хасанов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: [www.imfaktor.uz/com](http://www.imfaktor.uz/com)

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

© “ИМФАКТОР Pages” илмий нашриёти, 2024 йил.

© Мўаллифлар жамоаси, 2023 йил.

# МАДАНИЯТ ВА САҢЪАТ ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО | JOURNAL OF CULTURE AND ART

**УМАРОВ Шерзод Акбарович**

*Ўзбекистон Давлат Консерваторияси ҳузуридаги*

*Б.Зокиров номидаги*

*Миллий эстрада санъати институти*

*доценти*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10495104>

## БОЛАЛАЛАР ВА ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИ ҲАМДА МУСИҚИЙ ТАРБИЯСИНИ ЮКСАЛТИРИШДА МАЪРУЗА-КОНЦЕРТЛАРНИНГ ЎРНИ (доцент Ш.А.Умаровнинг тажрибалари асосида)

### АННОТАЦИЯ

Бугунги кунда давлатимиз сиёсатида ёшлар ва болаларнинг маънавий дунёсини сифатли шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар алоҳида ўрин тутаяди. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ушбу чора-тадбирлар орасида мусиқа санъатига катта урғу берилган.

Ушбу чора-тадбирларни бажариш борасида Ўзбекистон давлат консерваторияси ва Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузуридаги Б.Зокиров номидаги Миллий эстрада санъати институти фаолиятида қандай фаолиятлар олиб борилмоқда? Болалар ва ёшлар учун маъруза-концертлар, уларнинг маънавий дунёсига қандай таъсирга эга?

Бу каби саволларга қуйидаги мақолада кенг тўхталиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** мусиқа, маънавият, болалар, ёшлар, маъруза, концерт, оркестр, ижрочилик, тарбия, авлод.

## РОЛЬ ЛЕКЦИЙ-КОНЦЕРТОВ В ПОВЫШЕНИИ ДУХОВНОСТИ И МУЗЫКАЛЬНОГО ВОСПИТАНИЯ ДЕТЕЙ И МОЛОДЕЖИ (на основе опыта доцента Умарова Ш.А.)

### АННОТАЦИЯ

Сегодня меры, направленные на качественное формирование духовного мира молодежи и детей, занимают особое место в политике нашего государства. Стоит отметить, что среди этих мер большой упор делается на музыкальное искусство.

Какова деятельность Государственной консерватории Узбекистана и Национального института эстрадного искусства имени Б.Зокирова при Государственной консерватории Узбекистана по реализации этих мер? Каково влияние лекций и концертов для детей и молодежи на их духовный мир?

Подробно подобные вопросы рассмотрены в следующей статье.

**Ключевые слова:** музыка, духовность, дети, молодежь, лекция, концерт, оркестр, исполнительства, воспитание, поколение.

## THE ROLE OF LECTURES AND CONCERTS IN ENHANCING THE SPIRITUALITY AND MUSICAL EDUCATION OF CHILDREN AND YOUTH

(based on the experience of Associate Professor Sh.A. Umarov)

### ANNOTATION

Today, measures aimed at the qualitative formation of the spiritual world of youth and children occupy a special place in the policy of our state. It is worth noting that among these measures, great emphasis is placed on the musical arts.

What are the activities of the State Conservatory of Uzbekistan and the National Institute of Variety Arts named after B. Zokirov at the State Conservatory of Uzbekistan to implement these measures? What is the impact of lectures and concerts for children and young people on their spiritual world?

Such issues are discussed in detail in the next article.

**Key words:** music, spirituality, children, youth, lecture, concert, orchestra, performances, education, generation.

Болалар ёки ўсмирларнинг тарбиясида мусиқа ҳамда санъатнинг ўзига хос ўрни мавжуд. Жаҳон санъат аҳлининг фаолиятида айнан улар учун аталган санъат намуналари алоҳида ўрин тутади. Болалар учун турли жанрлардаги назмий ва насрий асарлар, кинофильмлар, мулфильмлар, спектакллар, фестивалъ ҳамда танловлар мавжуд бўлиб, айнан ушбу асарларнинг яратилиши ҳамда ташкил этилишига катта эътибор берилади. Бу каби ижод намуналари ва тадбирлар Ўзбекистонда ҳам кўп ташкил этилаётган бўлиб, болаларнинг маънавий дунёсини бойитиш, тафаккурини кенгайтириш ҳамда санъатнинг кенг дунёсини кашф этишлари учун муҳим ўрин тутади.

2020 йилнинг 19 март куни, ёшлар маънавиятини юксалтириш бўйича муҳтарам Президентимиз Ш.М. Мирзиёев томонидан илгари сурилган “5 та муҳим ташаббус”нинг биринчи ташаббусига айнан мусиқа, рассомчилик, адабиёт, театр ва санъат каби йўналишларнинг киритилганлиги ҳам бежиз эмас.

Бу ўринда Ўзбекистон давлат консерваторияси ва Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузуридаги Б.Зокиров номидаги Миллий эстрада санъати институтида ҳам айнан болалар ҳамда ўсмирлар учун аталган мусиқий тадбирлар алоҳида аҳамиятга эга. Консерватория ва институтнинг Катта залларида эстрада санъати, хор, симфоник, дамли, халқ чолғулари оркестрлари, якканавоз чолғу ҳамда вокал ижрочилиги бўйича турли мавзулардаги маъруза-концертлар ўтказилиб келинмоқда. Ушбу тадбирларга болаларда қизиқиш катталигини – концерт залларини тўлдириб ўтирган болалар сафидан ҳам билса бўлади.

Ўтказилаётган маъруза-концертлар орасида ЎзДК доценти, дирижёр Шерзод Умаровнинг талабалар халқ чолғулари оркестри билан ўтказиб келаётган турли мавзулардаги мусиқий тадбирлари алоҳида аҳамиятга эга. “Маълумки, биз турли жамолар иштирокида маъруза-концертлар ташкил этамиз. Ушбу концертларнинг мавзуси ва дастури Тошкент шаҳридаги ўрта мактаблар томонидан тушган ариза ёки буюртмалар асосида тузилади. Бу концертлар орасида доцент Ш.Умаров иштирокидаги концертларга мактаб ўқитувчи ҳамда ўқувчилари томонидан қизиқиш катта. Ш.Умаров болалар руҳиятини яхши сезади ва концерт дастурларини маҳорат билан тузиб ижро этади.” – дейди Ўзбекистон давлат консерваториясининг театр ва концерт ташкилий бўлими директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Б.Зокиров номидаги МЭСИ доценти Козимжон Обидович Қаюмов.

Нима учун болалар учун маъруза-концертлар керак деган саволга жавоб беришдан олдин, айнан болалар мусиқаси ҳамда психологияси билан шуғулланган ва ҳозирги кунга қадар ушбу йўналишда фаолият олиб бораётган айрим дунё олимларининг фикрларига тўхталиб ўтсак.

“Муסיқа болаларга қандай таъсир этади?” деган саволга Ливандаги Ливан-Америка халқаро университетининг ўқитувчиси, муסיқали дастурлар раҳбари, болалар учун муסיқага оид бир нечта илмий китоб ва мақолалар муаллифи Иброҳим Балгати шундай жавоб беради: “Аввало бола учун она томонидан куйланган аллага тўхталсак. Бола кўшиқни эшитиб, мияда хотиржамлик пайдо бўлади, юрак уриши секинлашиб, уйқуга кетади” [3, Б.57].

Шунингдек, 1920-2001 йилларда яшаб ўтган Француз олими, тиббиёт фанлари доктори, отолоринголог, бир нечта илмий китоб ва мақолалар муаллифи Альфред Томатис кўплаб тажрибалардан сўнг шундай хулосага келади “Моцарт муסיқалари болалар IQ сини оширади, ҳаракатни жадаллаштиради, дудуқлик касаллигини 70% гача даволайди, хотиржамлик олиб келади” [5, Б.66].

Дунё олимларининг бу каби хулосаларидан келиб чиқиб, муסיқа инсонга, айниқса ёш авлодга нақадар зарурлигини тушуниб олиш қийин эмас. Шунини айтиб ўтиш мумкинки, муסיқа ёки кўшиққа бундай муносабат, нафақат гўдакда, балки, болалар, ўсмирлар шунингдек, катта ёшдаги инсонларда ҳам сақланиб қолади.



Ҳар қандай академик ижро жамоаларининг концерт дастурларида болалар учун концертлар алоҳида ўрин тутади. Ш.Умаровнинг болалар учун аталган турли мавзулардаги концерт дастурлари бўлиб, (“Композиторлар-болаларга”, “Болалар учун кўшиқлар”, “Композитор Аваз Мансуровнинг болалар учун асарлари”, “Рус композиторлари - болаларга”, “Жаҳон композиторлари - болаларга” ва б.қ.) улар Ўзбекистон бастакорлари ва композиторлари ҳамда жаҳон муסיқасининг дурдоналаридан намуналар ўрин олган [4, Б.27].

Болалар учун маъруза – концертлар ўтказилишида аввало репертуар танлашга эътибор берилиши лозим. Дастурининг характер жиҳатдан ранг-баранглиги концерт мазмунини бойитади. Тажрибалардан шу нарса маълумки, асарлар ижросининг давомийлиги: лирик ва оғир тезликдаги асарлар 2-3 ва шўҳ ҳамда қувноқ асарлар 3-4 дақиқа давом этиши болалар учун етарлидир. Чунки, улар зерикиб қолмаслигини олдини олиш зарур.

Ш.Умаров концертларида кўп йиллик тажрибага эга бошловчилар иштирок этади. ЎзДК профессорлари: муסיқашунос И.Г.Галущенко ва с.ф.д. А.Р.Ташматовалар ана шулар жумласидан бўлиб, улар болаларга асарлар, уларнинг муаллифлари, мазмуни, характери, ёзилиш тарихи ҳамда ижро этадиган чолғу ҳақида қисқа, қизиқарли ва лўнда маълумот берадилар. Сухбат давомида залда ўтирган болалардан “Ўзбекистон композиторларидан кимларни биласиз?”, “Жаҳон композиторларидан кимларни биласиз?”, “Қандай ўзбек халқ чолғуларини биласиз?”, “Қайси ижро этилган асар нимаси билан сизга ёқди?” каби саволлар берилди. Ушбу саволларга томошабин болалар қўл кўтариб жавоб берадилар. Албатта уларнинг жавоблари ҳар доим ҳам тўғри бўлавермайди.

Бунда, бошловчи тўғри жавобни айтиб, янада чуқурроқ тушунтириш бериб кетади. Бу каби савол-жавобларни ўтказиш маъруза-концертнинг муҳим талабларидан бири бўлиб, болаларнинг ўйланишига, билим ва тафаккурларини кенгайтишига, шунинг билан бирга асарларни мукамал тушуниб эшитишларига сабаб бўлади. Кейинги концертларга эса, асарлар ҳақида тўлиқроқ маълумотларни билиб келишлари учун туртки бўлади.

Бир кунда 4-5 баъзида 6 сеансдан иборат концертлар ўтказилиб, уларнинг ҳар бирини давомийлиги 40-45 дақиқа давом этади. Концертдан сўнг болаларнинг айримлари, чолғуларни томоша қилиш ҳамда уларни ушлаб, чалиб кўриш учун сахна ортига ўтадилар.

Уларда концерт жараёнида қайси чолғу кўпроқ тассурот колдирганлигини, айнан ўша чолғуга бўлган қизиқиши орқали билиб олиш мумкин. Улар аввало урма – зарбли чолғулар (доира, ноғора, қайроқ, табла, урма-зарбли қурилма ва б.к.) оиласига кўпроқ аҳамият беради, сўнгра най, сурнай, чанг, қашқар, афғон рубоблари, ғижжак шунингдек, ғижжак контрабас (ҳажмига) чолғуларига ҳайрат билан тикилишиб, чалиб кўришга уринишади [6, Б.48].


Б.Зокиров номидаги МЭСИнинг ёш ўқитувчилари И.Будюков ва М.Олимовлар раҳбарлигидаги Биг-бэнд талабалар катта ва кичик оркестрларининг ижодий фаолиятлари ҳам бундан мустасно эмас. Ушбу оркестр репертуаридан “Ватанпарвар қўшиқлар”, “Эстрада ва жаз”, “Ўзбекистон композиторларининг жаз асарлари”, “Жаҳон жаз ижрочилари ва уларнинг репертуари” каби мавзулардаги концерт дастурлари болалар ҳамда ёшлар томнидан қизқин кутиб олинмоқда. Ўқитувчи ва концерт бошловчиси Ф.Абдурахмонова ёш томошабинларга эстрада, жаз санъатининг жаҳон миқёсида пайдо бўлиши ва Ўзбекистонга кириб келиши, шунингдек ривожланиш тарихи каби маълумотларни ёш томошабинларга қизиқарли тарзда тушунтириб боради.



“Концертлар ва маҳорат дарслари нафақат ЎзДК ёки МЭСИ сахналарида балки, турли ўрта ҳамда мусиқа ва ихтисослаштирилган санъат мактабларида ҳам ўтказилади. Концертларда болаларнинг жонли ижрога бўлган қизиқиши, ҳар бир асарни

қарсақлар билан кутиб олиши ва қўшиқ ижросига қўшилиб куйлашларидан маълум бўлади ва бу бизга олам-олам қувонч бағишлайди. Айниқса, мусиқа мактабларида концертдан сўнгра айрим болалар келиб, биз сизни концертингизни консерваторияда кўрганмиз ва оркестр ижроилигига қизиқишим ортиб, ҳозир шу мусиқа мактабида ўқияпмиз дейдилар. Биз бундан мамнун бўлиб, ўзимизнинг олдимизга қўйган вазифани уддалаганимиздан хурсанд бўламиз.” - дейди Ш.Умаров [2, Б.67].

Дирижёр Ш.Умаровнинг ижодий фаолиятида болаларнинг мусиқий тарбияси катта ўрин эгаллайди. Унинг 2019 йилда БМСМ халқ чолғулари оркестри учун нашр этган “Оркестр синфи” электрон дарслиги ҳам бунга яққол мисолдир. Унга Ўзбекистон ва жаҳон композиторларининг 20 та асари киритилган бўлиб, ҳар асарнинг ижрочилик таҳлили, дирижёр ўқитувчилар учун маслаҳатлар, жамоа ижрочилигининг болалар учун аҳамияти, муаллифлар ҳақида маълумотлар, интерактив тестлар, партитуралар (партиялари билан), асарларнинг аудио ҳамда видео вариантлари, глоссарий каби маълумотлар киритилган.



Ушбу ўқув қўлланма Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази қошидаги “Муסיқа” йўналиши Илмий-жамоатчилик кенгаши йиғилишининг 2019 йил 14 июндаги (3-баённома) қарорига асосан нашрга тавсия этилиб, ҳозирги кунда Республикамизда фаолият олиб борилаётган муסיқа ва санъат мактабларида асосий ўқув қўлланмалардан бири сифатида ишлатилиб келинмоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, бугунги кунда давлатимиз томонидан болалар ва ёшлар ҳамда уларнинг маънавий тарбиясига катта эътибор берилмоқда. Бунга далил сифатида ёшлар учун чиқарилаётган алоҳида дастурлар ҳамда қарорларни мисол келтиришимиз мумкин. Ушбу қарорлардаги муסיқага оид бандаларида, болалар ва ёшларни нафақат Ўзбекистон балки жаҳон санъати дурдоналари билан яқиндан таништириб боришга алоҳида урғу берилган.

Бола тарбияси, унинг маънавий ривожланиши ҳамда дунёнинг тафаккур этишида муסיқанинг ўрни алоҳида ўрин тутди. Тарбия ҳақида кўплаб ҳикоят ва ривоятлар мавжуд бўлиб, шу ўринда қуйидаги ривоятни мисол килишимиз мумкин: бир одам фарзандлик бўлгач, маслаҳат сўраб улуғ алломанинг ҳузурига келибди ва сўрабди: “Ҳазратим мен уч кун бўлди фарзанд кўрдим, унинг тарбиясига қачондан бошлаб киришганим маъқул?” Алomma бошини сарак-сарак қилиб жавоб берибди: “Сиз уч кунга кечикибсиз, бола тарбиясини туғилишидаёқ бошлаш лозим эди” [1, Б.36].

Ушбу ривоятдан кўришиб турибдики, тарбиянинг барча турини – шу ўринда муסיқий тарбияни болалар ҳаётида қанча эрта бошласак, уларга илмий тушунтириб, тўғри йўлга етакласак – болаларнинг эстетик, маданий тарбияси шунча тез шаклланади, ўзбек ва жаҳон композиторларининг дурдона асарлари билан ёшлигиданоқ танишиб боради. Зеро, болалиқда олинган билим тошга ёзилган билан баробар, шунингдек, муסיқага ошно қалбдан ёмонлик кутиш мушкулдир.

**IQTIBOSLAR. CHOСКИ. REFERENCES.**

1. Абдуллоҳ Абдул Мутиъ “Исломда тарбия”. Москва, Санкт-Петербург. “Диля” нашр., 2010.
2. Аброров Ғ. “Ҳамкасб Шерзод Умаровнинг ижодий қиёфасига чизгилар”. (мақола). Гармоничное развитие поколение-условие стабильного развития Республики Узбекистан. (сборник статей) Ташкент, “Building Print” МЧЖ. 2016.
3. Балгати И. “Let’s read & write music”. ISBN-13: 978-9953565019, “Lebanon INC” нашриёти, 2011. (русча таржима).
4. Жумаева Ф. “Доцент Шерзод Умаровнинг ўқитувчилик ва ижодий фаолияти”. “Халқ чолғуларига ижрочилик” кафедраси, Битирув малакавий иши, 2020 й.
5. Томатис А. “Кулоқ ва товушлар”. “Scarecrow press. INC” нашриёти (русча қайта нашр), АҚШ, 2005 й.
6. Умаров Ш.А. “Творческие аспекты дирижирования”. (мақола). Журнал “Звезда Востока”, №4, 2020 й.

ISSN: 2181-4562  
DOI Journal 10.56017/2181-4562

# МАДАНИЯТ ВА САЊАТ ЖУРНАЛИ

## II-ЖИЛД, 1-СОН

# ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО

## ТОМ-II, НОМЕР-1

# JOURNAL OF CULTURE AND ART

## VOLUME-II, ISSUE-1

«Маданият ва санъат» электрон журнали 2023 йил 24 февраль куни № 065356-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

Веб-сайт: [www.imfaktor.uz](http://www.imfaktor.uz)